

ШВЕЙЦАРИЯ ПРОКУРАТУРАСИ Г.КАРИМОВА ВИЛЛАСИДА ТИНТУВ ЎТКАЗДИ.



Швейцария Конфедерация Прокуратураси август ойи охирида Женевадаги тўрт манзилда тинтув ўтказилганлигини тасдиқлади.

Прокуратуранинг Би-Би-Си радиосига маълум қилишича, 2012 йили бошланган жиноий текширув иши бўйича Федерал Жиноий Полиция бошқармаси

Женева Полицияси билан ҳамкорликда тинтув амалиётини амалга оширган. Расмий хабарда айтилишича, бу жиноий тергов тўрт Ўзбекистон фукаросига қарши очилган иш доирасидадир.

Терговнинг ҳозирги босқичида илгари сурилган айбловлар ушбу шахсларнинг қонуний пулларни қонунийлаштиришга қўл урганликларидир, бошқа эса маълум қилинмаслиги тафсилотлар айтилган.

Би-Би-Сига қўра, тинтув ўтказилган уйлardan бири Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага тегишли вилладир.

Эслатиб ўтамиз, бир муддат илгари, шу йилнинг 17 ва 18 июн кунлари

Гулнора Каримовага тегишли Париждаги ҳашаматли уй ва Сан-Тропе оромгоҳидаги виллага муҳр босилган эди. Париж полицияси

ушбу тинтувни Швейцарияда тергов қилинаётган ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ жиноий иш доирасида амалга оширгани айтилган ва Швейцария прокуратураси Франция полициясининг сўровига қўра Г.Каримовага тегишли экани айтилган бир неча манзилга рейд уюштирганини тасдиқлаган эди.

Амалиётдан мақсад «хужжатларни қўлга киритиш бўлган» дейилади.

Г.Каримова пул ювиш ва коррупция даъволарини Твиттер орқали рад этган, гарчи рад этиш бундай шаклда эмас, балки расман судга бериш орқали бўлади, аммо судга хануз бергани йўқ. Шу билан бирга, Фарб матбуотидаги чиқишларни ўзини ёмонотлиқ қилиш кампаниясининг бир қисми, деб атаган, аммо Фарбда «ўз юртида энг нафратланган аёл» деб аталадиган Г.Каримовани бундан ортиқ ёмонотлиқ қилиш кимга керак бўлиб қолганини очикламаган.

ЎХХ хабар маркази

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИГА "СОВҒА".

Озодлик радиосидан олинган хабарга қўра, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 29 августдаги қарорида Авиасозлар маданият ва техника саройи бинолари, иншоотлари ва мол-мулки Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳисобига ўтказиб берилган.

Шунингдек, Авиасозлар маданият саройига ёндош 2,16 гектарли ҳудуд ҳам Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тасарруфига ўтиши билдирилди.

Тошкентдаги Авиасозлар маданият саройининг исми айтилишини истаманган мулозим Озодликка саройнинг ҳарбийларга "совға" қилинишидан норозилигини билдирди: - Биз ҳам сизга ўхшаб саройнинг эгаси ўзгарганини матбуотдан билдик. Лекин бизга ҳеч қандай фармойиш келгани йўқ. Ҳозирги пайтда меъмор Сивец номидаги Авиасозлар маданият ва техника саройи «Узавтопром» балансида турибди. Биз ўз даврида меъморлик намунаси сифатида 15 йил давомида қурилган сарой мулкининг талон-тамож қилинаётганидан норозимиз.

Сиздан угина, биздан бугина

Саройнинг Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига "тортик" қилиниши яна бир адолатсизликни ҳаспўлаш учун қилинган, жорий йил ёзида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига те-

гишли Округ офицерлари уйи биноси Тошкент Давлат Юридик университети тига "совға" қилинган эди.

1885 йилдан бери Тошкент зобитларига тегишли бўлган шаҳар марказидаги Округ офицерлари уйи биносининг Юридик университетга берилиши ҳарбийлар орасида яширин норозиликни келтириб чиқаргани айтилган эди.

Ўзбекистон бошқарув элитасидаги Тошкент Давлат Юридик университетининг "яширин ҳомийлари" шаҳар марказидаги тарихий бинони асл эгаси бўлган ҳарбийлардан сўрамасдан "ўзлаштиришга" муваффақ бўлишган.

Айни бошқарув элитасидаги ҳарбийлар эса мамлакат раҳбариятига бу қарорнинг адолатсиз бўлгани ҳақида "ишорат" беришган. Озодликнинг зобитлар орасидаги манбасининг хулосасига қўра, ҳарбийларнинг эҳтимолий норозилигига барҳам бериш учун Тошкентдаги Авиасозлар маданият саройи Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тасарруфига бадалсиз ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон бошқарув тизими деб аталган тубан тизим ичидаги "мол талаш" борасидаги бу иддаонинг расмий манбалардан тасдиқлаш биров мушкул. Чунки, расмийларнинг ҳаммаси ҳам "ота"сидан кўрқашади.



Сарой ва уй ҳақида

Тошкентдаги Авиасозлар маданият саройи 1980 йилда фойдаланишга топширилган.

Сарой моҳиятан совет обидаси ҳисобланса, Тошкент марказидаги Округ Офицерлар Уйи биноси колониал меъморчилик намунаси.

Бу бино Туркистон мустамлакаси даврида руслар тарафидан қурилиб, бизнинг кунларимизга сақланган обида сифатида кўрилади. Унинг бош биноси 1885 йил қурилган.

Россиядаги 1917 йил инқилобига қадар ООУ биносида Ҳарбий кенгаш жойлашган.

1924 йилдан бошлаб у ерда Офицерлар уйи жойлашди (дастлабки номи – Қизил армия уйи). 1945 йили у «Округ офицерлар уйи» деб номланди. 1991 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги томонидан бу бино «Марказий офицерлар уйи» деб қайта номланди.

Чарос

Ўзингизга маълумки, бизнинг тахририятимизга Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан турли мавзудаги матбулар тез-тез келиб туради. Уларнинг барчасида турфа хил дардлар, ўзбекнинг муаммолари акс этган. Ана шундай матбулардан бирини эътиборингизга ҳавола этдик. Ўқинг, мулоҳаза қилинг ва фикрларингизни бизнинг сайтга юборинг.

Қашшоқлик деб, инсон ҳуқуқларидан маҳрум бўлган ва меҳнат фаолиятисиз, зарурий тиббий ёрдамсиз, озик-овқат ва хизмат кўрсатиш билан етарли таъминланмаган аҳоли қатламнинг ижтимоий аҳволига айтилади.

Қашшоқлик бир шахсни ёки оилани, ўз қариндош уруғлари билан ҳам ўзаро борди келди қилиш имкониятини камайтиради.

Инсон қашшоқликка кўп ҳолларда ўзи сабабчи бўлади. Халқ, жамият идеологияси ва ҳукмдорларнинг айби билан ҳам қашшоқлашади. Қашшоқлик, одамнинг фикрлаш доирасини торайтиради ва фақат моддий эҳтиёжни ўйлашга мажбур қилади. Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналарида, маъмурий ва молиявий интимзомларнинг ниҳоятда пастлиги натижасида ишчи ўринлари доимий равишда қисқартирилаяпти. Баъзи керакли кадрлар ҳам кўчада қолиб кетаяпти ва қашшоқлар сафини тўлдираяпти.

Қашшоқликнинг асосий сабабларидан бири, мамлакатда қатта миқдорда ишчи ўринларнинг етишмаслигидандир. Ишчи ўринларни барпо қилиш ҳукумат зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Ҳукумат, мамлакатдаги меҳнат резервларини ва моддий ресурсларини ҳисоблаб, халқнинг истеъмол молларига бўлган талабидан келиб чиқиб ишчи ўринларини барпо қилиши шарт. Бу муаммо ечимида мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти муҳим роль ўйнайди. Дунё технология бозори билан қилинадиган ҳамкорлик замонавий технологик тизимларнинг кўплаб ва жадал ишга тушишини таъминлайди.

Халқимизнинг тинқасини қуритаётган яна бир муаммо, бу истеъмол молларининг, коммунал ва транспорт тўлов тарифларининг ниҳоятда баландлигидир. Жорий ҳукумат шу йўл билан давлат ғазнасида ҳосил бўладиган тўловлар балансини тўлдириш мақсадида халқнинг чўнтагидан, унинг реал маблагини тортиб оляпти. Натижа-қашшоқлик.

Инфляция, яъни пулнинг қадрсизланиши иқтисодимизда бошқариб бўлмайдиган молиявий жараёнга айланган. Йил давомида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг маълум бир вақти белгиланган. Вақт мобайнида маҳсулот тугалланмайди. Тугалланмаган маҳсулотни тугатиш учун керакли миқдорда янги қоғоз пул ишлаб чиқарилади. Пул қадрсизланади. Маҳсулот қимматлашади. Бу эса халққа навбатдаги қашшоқликни олиб келади.

Бизнинг мамлакатимизда содир бўлаётган ҳисобсиз пул инфляцияси, мамлакат банк тизимидаги молиявий интизомга риоя қилмаслик ва ўғирлик



ҚАШШОҚЛИК – ЗУЛМ!

оқибатидир. Мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналарининг етарли эмаслиги туфайли улар келтирган инфляция миқдори пул қадрсизланишига фаол таъсир кўрсатади.

Каримов режими давомида уй-жой қурилиши ҳажми ҳеч қачон халқ эҳтиёжи талабини қаноатлантирмаган. Оммабоп, арзон уйлар қурилмаяпти. Қурилаётган уйлар жуда қиммат нархда бозорга қўйилган. Шаҳарларда қурилаётган турар жойларнинг нархи (150-300) минг доллар билан баҳоланади. Қишлоқ жойда қурилган турар жойларнинг ўрғача баҳоси (75-100) минг доллар атрофида. Юқори малакали ишчи ўзига 150 минг долларлик турар жой сотиб олиши учун, ойига 150 доллардан ишлаганда, тахминан минг ойдан кўпроқ, яъни 85-100 йил ишлаши керак экан. Юқори малакали ишчининг иш ҳақи (150-200) доллардир. Энди савол: бу иморатлар нима учун ва ким учун қурилган?

Бир неча мисоллар билан Каримов режимининг мохиятини тушуниб олгандай бўлди. Яъни, диктатор режимининг бошқарув усули зулм билан халқнинг жиловини ушлашдан иборатдир. Шунинг учун мамлакат бошқарув тизимида ўзбошимча молиявий ва иқтисодий амалларнинг ўта кўплиги натижасида халқ азоб чекаяпти.

Каримовнинг, мамлакатни укувсиз бошқараётганлиги туфайли, сиёсатда ва иқтисодда қатта чалқашликларга йўл қўйилаяпти. Ўз навбатида ҳукумат аъзоларининг қонунга риоя қилмаслиги ва саводсизлиги туфайли бўлаётган ноҳақликлардан ҳам халқ зулм чекаяпти.

Каримов мамлакат ички бозорига кўп миқдорда хориж валютасини киритаётган мардикорларни “дангасалар” деб масхара қилди. Ваҳоланки, президент тенгсизлик ва хорлик зулминини нима эканини ўз қалбларида синовдан ўтказаятган мардикорларнинг тарафда туриб, уларнинг ҳимояси билан шуғулланиши лозим эди.

Ҳокимият томонидан очикчасига йўл қўйилган, ер олди сотди қонунлари халқ бошига тушган энг оғир зулмлардан биридир. Пули йўқ одам уй жой у ёқда турсин, иморат қуриш учун ер ҳам, лой ҳам ололмайди. Чунки, лой ҳам пул туради.

Режим туфайли халқ камбағаллашган. Ҳукумат қонун қоидалари шахсининг таъаббусини қўллаб қувватлашга эмас, халқни ҳаминча ночор ҳолда ушлаб туриш учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда ҳатто, бир бурда нон учунгина ишлаётганлар ҳам бор.

Ўзбек тиниб тинчимайдиган халқ. У ночор аҳволга тушиб қолса, вазиятни тўғрилаш учун қаттиқ ҳаракат қилади. Бугунги кунда миллатдошларимиз учун, пулсизликдан чиқишнинг энг яхши усули, мардикорга кетиш бўлиб қолди.

Халқимизнинг мардикорга кетишини камайтиришнинг бирдан бир йўли, бу микрокредитлар бериш амалларини соддалаштиришдир. Микрокредит, тирикчилик масалаларини маданиятли ва унумли ечади.

Банқдан оддий молбоқар кредит ололмайди. Чунки кредит банклардан олинади. Оддий чўпоннинг бундай амаллар учун пули йўқ. Пулдор одам пули эвазига, банкдан қатта кредит олиши мумкин. Чунки у улгуржи савдодан бир зумда фойдаланиб, олган кредитини ўрнига қўйиши мумкин. Бу эпизодда, фақат банк эгаси ва қатта савдогар фойда кўряпти.

Мамлакатимиздаги зулм тафсилотларини ёзиб адо қилиш мумкин эмас. Халқимиз золимлар ким эканини аллақачон тушунган. Зулмга қарши кураш, бу Каримов режимига қарши курашмоқ демакдир. Бу режим қулса ва ўрнига адолатпарвар инсон келсагина бугунги зулм барҳам топади.

Адолатпарвар инсонлар деб кимларга айтаемиз? Бугунги ҳукумат ишларига аралашмай, уни очикчасига танқид қилиб, жамиятнинг ҳолис бошқара оладиган ва оиласини ҳалол даромад билан боқаётган, мавжуд режим билан астойдил курашни ҳеч қачон тўхтатмаган, эътиқодли ва мард инсонга айтилади.

Шундай инсонлардан бири мамлакатимизга президент бўлиши керак. Ўзбекистонимизда шундай воқеа рўй берса, унда мамлакатимиз адолатли жамият қуриш йўлига ўтган бўлади.

Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло ҳолис ниятларимизни рўёбга чиқарсин. Амин.

Нуратдин Жуманиёв

ИККИЛАНАЁТГАН ХАЛҚ

Бир одам чиқибди Ўзбекистонда, оқни “оқ” дер эмиш, қорани “қора” - Тўғриси айтар эмиш ҳар ёнда, айтармиш ҳар кимнинг юзига қараб!

Не еса ҳалолдан ер эмиш фақат, ҳаромдан асрармиш қўлу кўзини, омонатга этмас эмиш хиёнат, мутлоқо тутармиш берган сўзини!

Бу гайри қилиги учун одамни ҳеч ким чиқмас эмиш ланъатлаб, қаргаб! таъқиб этиб унинг ҳар бир қадамин, ҳеч ким этмас эмиш юртдан бадарга!

Нима қилишини билмас гўёки, билмайди бу ўттиз Милён Фуқоро: бу одамни дорга оссинми ёки десинми оқни «оқ», қорани «қора»?!

Мухаммад Солиҳ
1 сентябрь, 2013 йил Истанбул

Бошқа давлатдан Ўзбекистонга келадиган бўлсангиз, сизни энг камида 5та чиғирикдан ўтказишади. Гўёки, Ўзбекистонга фақат террорист ва жиноятчилар келадигандек. Лекин Ўзбек чегараларида бу одатий ҳол. Иссики, совукми фарқи йўқ. Чегара ходимларининг даққисини эшитиб битта-битта ўтасиз. Деярли барча давлатларда Халқаро аэропортларда кутиш заллари мавжуд. Ўзбекистонда эса бошқачароқ. Вилоятлардан Тошкент аэропортига келган йўловчилар ҳоҳ жазирама, ҳоҳ қахратон киш бўлса да ташқарида кутишади.

кадрига кўпроқ етасан.

ОВИР деганларидан бошқа мамлакатларда мисли кўрилмаган мамлакатдан ЧИҚИШ УЧУН ВИЗА олмоқчимисан, навбатда тур, сан қатори турганлар билан жанжаллаш, пора бер... Паспорт, маҳалладан справка, маош ва ҳатто дўкандан имтиёзли нархларда ёғ, ун олиш учун ҳам мана шундай навбатлар ташкил қилинганки, унинг хикмати кўп.



ДИКТАТОР РЕЖИМИНИНГ ЧИҒИРИҚЛАРИ...

ВВС радиосининг ўзбек хизматидан олинган маълумотлар бўйича, Қирғизистонда америкаликларнинг “Манас” ҳарбий базасига кириш учун атиги битта назорат ўтиш нуқтаси, урушлар гирдобиде қолган Қобулдаги аэропортга кириш учун 4 назорат нуқтасидан ўтишингизга тўғри келади. Тошкентда эса сиз бта текширувчиға дуч келасиз.

“Ахборот” тили билан айтганда мустақил Ўзбекистон хавфсизлик жабаҳсида ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатмоқда ва керак бўлса бу борада ҳаммадан илғор. Тошкент халқаро аэпортининг авто турар жойига киришдан олдин машинангиз багажини очиб кўрсатасиз ва темир панжара билан ўралган жойга бориб тўхтайсиз.

Аэропорт биносига 70 метр қолади. Бир вақтлар мижозларини бинонинг иккинчи қаватиға олиб чиқиб қўйган машина мана шу ерда така тақ тўхтайдди. Ундан у ёғиға ўзингизнинг ҳам ўтишингиз қаттиқ назорат остида.

- Рейсингизнинг учишиға ҳали 6 соат бор экан. Регистрация бошланган вақти ўтказамиз, — дейди чипталарни текшираётган милиция ходими.

Дунё аэропортларида бирор портлаш ёки ҳодиса бўлса унинг зарби албатта ўзбек аэропорт ва вокзалларида билинади. Раҳбарлар хавфсизликни ўйлаб мижозларни буткул унутишади.

Шу одамлар ҳам фалон пулга чипта сотиб олган, инсонға ўхшаб хизмат кўрсатилишиға ва қулайликка ҳақли деб ўйлайдиган амалдорнинг ўзи йўқ. Мижозларнинг ўзи бу борада бирор талабни илгари сурмаганидан кейин, ўйлаб нима ҳам қилишарди... Биз мижозларнинг шиори — қийинчилик вақтинча, муҳими эсон омон учиб олиш. Кейин муносабат ҳам шу шиорға яраша бўлади-да.

Тошкент аэропортидаги ҳижобли аёл

«Божхоначиларнинг хонасига олиб кириб сочларимнинг орасига текширишди. Қанча доллар олиб кетаяпсан, дея сўрашди. Доллар эмас, бироз сўмим бор десам, сўм кизиктирмайди, доллардан гапир доллардан, дейишди. Кейин нима сабабдан ҳижоб ўраб олганимни сўроқ қилиб бошлашди...»

Машина олмоқчимисан, марҳамат навбатда тур, кут, тўданинг оёқлари остида қол, қийнал! Ана кейин машинанинг

Ўзбекистонға меҳмондорчиликка, қариндошларини кўриш учун кетаётган Ҳалима опа эса бизға ўтиш ҳикоясини қуйидагича сўзлаб берди: “Тахминан бир ойлар аввал эди, Фарғонаға қариндошларни йўқлаш учун кетаётгандим. Ундан аввал 2010йиллари борган эдим, Ўш вилоятининг Новқат туманидан эрталаб соат 9ларда йўлга чиқдим, чегараға етиб келганимда соат 10дан ўтган эди. Қирғизистон томондан осонгина ўтдим ва Ўзбекистон томонға ўтадиганларни кўриб хайратға тушдим. Одам жуда кўп эди. Навбатға ёзилдим 325-бўлиб, кейин офтоб тигида 1соат ўтди, 2 соат, 3соат... Ва ниҳоят навбатим етиб келди. Чегарачиға паспортимни бердим, ичкариға киргизди. Божхона назоратиға келсам у ерда ҳам одам таллайгина. Декларация тўлдириш, деб йўл кўрсатишди. Эплаб уни ҳам тўлдирдим. Қўлимдаги иккита сумкамни ҳам, ўзимни ҳам аппаратдан ўтказишди. Энди бўлди шекилли десам, ўзиш формадаги бир киз мени кичкинагина хонаға бошлаб кирди ва ич кийимларимгача текширди. “Қизим, нимаға бунчалик қаттиқ текширяпсизлар, нимадир бўлдимиз?”, деб сўрадим. У киз “Мустақиллик арафасида шунақа бўлади, шунингдек сиз ҳижобда экансиз”, дея истар-истамас жавоб берди. Мустақилликка ҳали бир ой борку, ҳижоб кийиш айбми, дедим ва ташқариға чиқдим. Фарғонаға кетадиган машиналарни ёниға келиб соатға қараганимда 3дан 25дақиқа ўтган эди. Фарғонаға ўша куни етиб олганимға шукур қилдимда, қариндошларим билан яна 3-4йилға хайрлашиб қайтдим”.

Намозни масжидда ўқийсиз!

Мустақилликка раҳмат!

Хавфсизликни ўйлаган шоввозлар тузуккина амал қилиб турган номозхонани ҳам ёпиб ташлашибди. Бу ҳам албатта, Каримов режими “шарофати” билан!

У хавфсизликни баҳона қилиб нафақат аэропортда, балки бутун Ўзбекистонда соқолли эркакларни қуритди, ёки соқолларини таги билан олдирди. Энди навбат ўраниб қолган аёлларға келди.

Тошкент халқаро аэропортида ўраниб олган хар бир аёл божхоначиларнинг махсус хонасига олиб кирилади.

У ерда уларни текшириш билан борабар ҳижобни ечиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Юмшоқкина қилиб босим ўтказилади, дейиш мумкин.

“Божхоначиларнинг хонасига олиб кириб сочларимнинг орасига текширишди. Қанча доллар олиб кетаяпсан, дея сўрашди. Доллар эмас, бироз сўмим бор десам. Сўм кизиктирмайди, доллардан гапир доллардан, дейишди. Кейин нима сабабдан ҳижоб ўраб олганимни сўроқ қилиб бошлашди”, — дейди ёш боласини кўтариб олган ҳижобли келинчак.

Божхоначи аёл унга ҳали ёш эканлигини, очилиб сочилиб юриш даркорлиги ва ҳижобларни қариганда ўрашға улгуришини айтиб насиҳат қилган. Борган жойида ҳижобига нисбатан таъкибларға учрашидан огоҳлантириб “ғамхўрлик” қилган.

“Мен кетаётган давлатда ҳеч кимнинг ҳижоб билан иши йўқ. Ҳижоб борасидаги босимларға фақат Ўзбекистонда дуч келаман. Кейин божхоначиға ҳижобимнинг қандай алоқаси борлиги ҳеч тушунмадим”, — дейди келинчак.

Божхонадан ўтгандан кейин паспорт назорати келади. Бу ерда паспортингизға Ўзбекистон чегарасидан чиқди деган муҳр босишади.

Ана ундан кейин олтинчи бўлиб учоқка чиқиш олдидан яна бир назорат ўтиш нуқтаси. Бу ерда иккинчи марта сумкаларингизни нур орқали текширувчи лентадан ўтказиш керак. Фарқи энди оёқ кийимларни ҳам ечиш керак.

Назоратчи аёл қўл сумкангизни икир чиқиргача яна бир бор кўради. Тўғрида бундан олдинги назорат нуқтасидан у бу нарса ўтиб кетган бўлиши мумкин-ку. Бу нуқтада ҳам ўзига яраша савол жавоб кечади.

Мана шундан кейин ниҳоят кутиш залиға кириб оласиз. Енгил нафас оласиз. Ҳамма хурсанд, ҳамма шукр қилган.

Бундай чиғирикли назоратдан кейин, дунёнинг исталган аэропортидаги қийинчиликлар кўзингизға ҳеч нарсадек кўриниб қолади. Ахир сиз ўзбек аэропортида текширишларда “суягингизни қотириб” келгансиз!

Хуллас шундай, диктаторнинг режими яна қанча давом этса яна шунча сабр қилишға тўғри келади, ёки бошқа давлатлардаги довуракларға ўхшаб инқилоб қилиш ва ундан қутулиш...

Америка Кўшма Штатларининг президенти Барак Обама ўз фуқароларини қабул қилиш учун, интернетда ўзининг шахсий блоги ва электрон манзилига эга. Унинг олдига кирмоқчи ва у билан суҳбатлашмоқчи бўлган америка фуқаролари аввало интернет орқали муурожаат қилишади.

президент фуқаролар билан кўча ва хиёбонларда тўғри келган жойда учрашиб, “мен бўлажак Америка президентлигига ўз номзодимни кўрсатмоқчиман? Сиз шунга нима фикр билдирасиз? Сизни қандай муаммолар қийнамоқда?” каби саволлар берар ва ўзининг дастури билан таништирар экан...

деб эшитдик. Бу пуллар эзилган ўзбек фуқароларининг пуллариدير. “Ҳа, нима қилибди? Ўзбекистон президенти Исло Каримов 75 ёшга тўлган бўлса-да, мамлакатни бошқармоқда. Биз 80-85 ёшда бўлсак ҳам, “мана мен” деган ёшларни ишини қиялпимиз” дейишмоқда...”

“Энди ўзингиз ўйланг! Бутун ўзбек

“ОТА” ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА “ЖАРЛИК” ҲОСИЛ БЎЛГАН!



Сўнг фуқаролар муаммоси юзасидан ўзининг электрон почтасига келган хатлар билан танишиб чиқиб, ўз таклифларини билдиради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Америкада интернет чегарасиз эканлигидан далолат беради. Хаттоки, президент билан фуқаролар ўртасидаги учрашув вақти келгунича Барак Обама ўша фуқаронинг насл-насаби, ирқи, миллати, нима иш билан бандлиги, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарашлари билан қизиқаркан. Барак Обама, фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқаётган вақтда, ҳеч бир нарсани кўздан узоклаштирмас экан. Фуқарони нима масала қийнаётгани ва нима муаммоларга дуч келганлиги тўғрисида, ипидан игнасиғача ўрганиб чиқаркан. Америка фуқароларининг муаммолари халқ қилинганча ёки учрашув вақти белгилангунича Барак Обама фуқароларнинг ишларини ва муурожаатларини тез кунда ва қисқа вақт ичида халқ қилиб ҳам бўлар экан...

Барак Обама ҳар бир фуқаро билан учрашганида, ўз фуқароларига шундай савол билан ҳам муурожаат қилар экан. Яъни, “Сиз менинг олиб бораётган сиёсатимдан розимисиз? Мен Американи бундан-да гўзал, фаровон, эркин ва ҳур демократик давлат қилиш учун, нима иш ва нималар қилишим керак шу тўғрисида Сизнинг маслаҳатларингиз менга жуда-жуда ҳам, зарур?” Мамлакат президенти шу савол-жавоблар орқасидан фуқароларнинг яшаш тарзидан огоҳ бўлар экан. Шу муаммоларни ечимини тезда халқ қилиш мақсадида, Барак Обама ўзининг қўл остидаги “команда”сига муҳим топшириқлар бериб унинг натижаси юзасидан суриштириб чиқар экан...

Кўп давлатларда Президент сайловлари ўтказилгунича ҳар бир президент номзоди кўрсатилишидан олдин, бўлажак

Бизнинг жонадон Ўзбекистондачи? Бизнинг президентимиз Исло Каримов Америка президенти Барак Обама каби иш юритармикан? Халқнинг дарди ва алами билан ўртоқлашармикан? У киши ҳам ўзи олиб бораётган “сиёсати” ҳақида фуқаролар билан суҳбат қураармикан? Биз баъзи бир фуқароларимизнинг фикри билан ўртоқлашдик...

Улар бизга, “Каримовнинг ўз халқидан кўрқиши, фуқароларни муаммоси билан шуғулланиши учун жойлардаги порахўр ҳокимларга ишонини. Мамлакат ичида юз бераётган воқеалар юзасидан, “халисона фикр” ва “ижтимоий фикр”ларни МХХнинг ходимлари орқали ёки бўлмаса Каримовга “содиқ” бўлган инсонлардан эшитар экан...”

“Президент ва фуқаролар ўртасида катта жарлик ҳосил бўлган. Бу жарлик устида “кўприк” қуришнинг ҳеч қандай йўли ҳам қолмади. Жарлик кундан-кун катталашиб бормоқда. Халқ эса, ўзининг “ота”сидан юз ўтирганига ҳам мана роппа-роса 24 йил бўлди. Каримов эса, ўзини “даҳо” деб санаса, Халқ эса уни “аҳмоқ, ғариб бир подшо” деб сийлашади...”

Исло Каримовнинг қабулида бўлганмисиз? Ёки, у кишини кўрганмисиз? деб юртдошларимизга савол билан муурожаат қилдик. Улар бир овоздан, “ЙЎҚ” деб жавоб беришди. Нега энди бундай?! Ахир, Сиз Исло Каримов учун овоз бергансиз? Мамлакат президентлигига, “муносиб номзод” деб сайлагансиз? Нега президент Сизни ўз қабулига қиритмайди? Ёки, Ўзбекистонда муаммолар йўқми? Ўзбекистон халқи Америка ва бошқа давлатлардан нимаси билан фарқ қилади??? каби саволлар миллатдошларимизни қийнаб қўйди...

Президент апаратига борган инсонларнинг кўпчилиги ўз муаммосининг ечимини кутиб яшайди. Охири марта Ўзбекистон Президенти апаратига бориб келган юртдошларимизнинг билдиришича, “президент апаратига борсангиз, ҳовиллаб қолган. Худдики, “эшоннинг ҳовлисидай”. Ҳеч бир инсонни учратмайсиз ва кўрмайсиз. Апаратда ўтирган ходимларни кўрсангиз нима иш қилишларини билмай, телевизор ва газеталарда босиб чиқарилаётган ёлғонга тўла “проблема”лар ҳақида ўкиб ўтиришади. Баъзан шундайлари ҳам борки, собиқ Иттифокдан қолиб кетган, қаланғи-қасанғи инсонлар, муккайиб, чол бўлиб қолган бўлса-да, ҳали ҳам ишлаб юришибди”. Президент апаратига ойлик-маош яхши бўлса керак-да? “Фаррошидан то боғбонигача 2-3 миллион артофида маблағ олар экан”

ёшлари, Қозоғистон ва Россияга, “бир бурда нон” топиш учун ишга кетган бўлса, ундан кейин Каримовнинг жойига ким ҳам талабгор бўлиб чиқарди? Оддий халқдан бирор бир инсон чиқиб, “мен Ўзбекистон Президенти бўламан!” деб кўрсинчи. Унинг бутун-бир уруғ-аймоғи ва етти пушти қирилиб кетади. Каримовга ўзига ўхшаган, “ўзига мос ва ўзига хос” ўйлайдиган инсонлар керак. Ана ўшаларгина, “Ўзбекистон Президенти” бўлади. Халқнинг қонини зулукдай сўрадиган, ўз халқининг бошида калтак синдирадиган “озод инсон”ларгина президент бўлишлари мумкин...”

“Ҳокимга ариза билан муурожаат қилсангиз сизни тингламайди. Унинг устидан шикоят қилиб вилоят ҳокимига борсангиз у ерга қиритишмайди. Кейин эса, мамлакат президенти ариза билан муурожаат қилсангиз сизнинг аризангизни президент апарати олиб бир чеккага суриб қўяди-да, вилоят ва туман ҳокимларига “сразу” телефон қилиб, “фалончи Сизнинг устингиздан думалоқ хат ёзган, тезда Тошкентга етиб келинг. Келмасангиз масала чаток”. Президент апаратининг ходими муттаҳам ҳаром томоғи учун сизни аризангизни сотиб кун кўради. Шу билан, “Сизнинг Ўзбекистон президенти номига ёзган аризангиз бағафсил ўрганиб чиқилди. Аризангизда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмади?” деб жавоб беради. Ёки бўлмаса, “Сизнинг масалангизни кўриб чиқиш учун, вилоят ҳокимига юборилди” деб оқ қоғозни икки қатор сўз билан қора қилиб юборишади. Вилоят ҳокими эса ариза билан ўз вақтида танишиб чиқмай, конверт юзига қараб, “Аризани кўриб чиқиш учун туман ҳокимига юборилсин!” деган “виза” қўйилади. Туман ҳокими эса, “Ҳа, Тошкентга яхши бориб-келдингизми? Бир айланиб, томоша қилай” дебсизда. Шундай экан нима қилардингиз оворайи сарсон бўлиб. Ўзимиз “халқ қилиб берамиз” деб айтганди-ку? Сабрингиз чидамадими?” деб сизни “яхши” кутиб олишади. Шунда сиз, икки буюқлик қўлларингизни кўксингизга қўйиб, “Энди ҳоким бобо, Сиздан қолар ишнинг ўзи йўқ. Биз ҳам, Президентимиз Исло акани муборақ қўлларини ва ўзларини зиёрат қилгани боргандик. Афсус, у кишининг вақтлари йўқ экан. Кўп вақтлари иш билан банд эканлар. Биз бир оддий ночор инсон бўлсак, ким ҳам бизни эшитарди. Ҳали ҳам бахтимизга, Сизга ўхшаган ҳокимлар бор. Мамлакатимиз обод. Мени бир қошиқ қонимдан кечинг! Мен билмабман, бир саводсиз, нотовон одам бўлсам.

(Давоми боши кейинги саҳифада)

“ОТА” ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА “ЖАРЛИК” ҲОСИЛ БЎЛГАН!

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Борингизга, “шукур”. Аллоҳ Сизни болаларимизни бошига эсон-омон сақласин!” деб дуойи жонингизни қилиб юрибмизда. Мана шугина йиққанам ва терганим. Болаларимнинг ризқидан қийиб сизга атаганим бор. Шуни олинг!” деганингиздан кейин, ҳоким жаноблари, “эй нима қилардингиз, ээ, чўғи камроқ-ку? Ҳа, майли берганига шукур! “Ердан топсанг ҳам, санаб ол” деганларидек, ҳоким бобомиз пулни чўнтакка уради. Қарабсиз-ки, муаммо-


лар ечимини ўйлаб аста-секинлик билан кунни тунга улаб санаб юрасиз. Бир вақт қарасангиз, ҳал қилиниши керак бўлган муаммо бошқа олғирлар томонидан ҳаллаб юборилади. Ҳа, нима ҳам дердик. “Бозор иқтисоди. Рақобат бор жойда. Олғирлар ҳам бўлади-да”...

Энди шундай бўлганидан кейин Ислоҳ Каримовнинг қабулига бориб нима қиласиз?! Ислоҳ Каримов билан суҳбатлашиб ҳам нима фойда топасиз? Сизнинг ишларингизни маҳаллий ҳокимият органлари бир зумда ҳал қилиб берса.

Улар масалани ўзларидан ҳам орттиришмайди. Улар ҳам, “ватан учун ёниб, куйиб” кечаю-кундуз меҳнат қилмоқда. Шу туфайли биз Каримов қабулига ёзилмаймиз. У киши ҳалқимизнинг, “кечаю-кундуз тинчлигини ўйлайдиган шахс. У кишини безовта қилиш мусулмончиликка тўғри келмайди. Эскилар бир гап айтганлар, “Подшо Аллоҳнинг ердаги сояси” Қайси аҳмоқ бу гапни ўйлаб топган ўзинг хайрон ва бедорсан...”

Фахриддин Тилло

САУДИЯ АРАБИСТОНИ АЖРАТГАН КВОТАДАН ЎЗБЕКИСТОН ФОЙДАЛАНМАЯПТИ. ҲАЖ 2013.



сан, Ўзбекистон Республикасига ҳам расмий маълумот юборди», дея хабар тарқатган Ўзбекистон Дин ишлари қўмитаси, дейилади.

Дин ишлари бўйича қўмитага кўра, 2013 йил муқаддас Ҳаж зиёратига бориш учун ариза топширган ўзбекистонлик мусулмонларнинг рўйхати қисқартирилмоқда.

«Қисқартириш масалалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ҳайъатлар томонидан адолат ва инсонийлик тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда», дейилади қўмита хабарида.

Бундан олдин ҳам Ўзбекистон ҳукумати Ҳажга борадиган ўз фуқаролари сонини сунъий қисқартиряпти, дея танқидларга тўтилган.

Ўз навбатида бу вазиятдан чиқиш учун оддий одамлар тулли йўлларни излайдилар. Қўшни Қирғизистондан ҳар йили Ҳажга қатнайдиغان ҳожибошилар билан келишиб олиб, уларга кўпроқ миқдорда пул беришади. Эвазига ҳожибошилар Қирғизистонда ҳужжатлар тайёрлаб уларни ҳам зиёратга олиб боришади.

Қирғизистон Мусулмонлар Қўмитаси етакчиси Бақит Нурдинов бу йил Ҳаж мавсумида порохўрлик янада авж олганини айтади.

Сабаби, яқинда қўшни Ўзбекистон фуқароларининг 40 нафарига Қирғизистонда қалбаки паспорт тайёрланган. У паспорт эгалари эса Қирғизистонга ажратилган квоталар ҳисобига Ҳажга боришадиган бўлган.

Аслида Ўзбекистоннинг ўзида квота етарли, ундан тўлиғича фойдаланилмапти аксинча у ҳар йили давлат томонидан чекланади.

Бундай ишларга ким мажбурлаяпти оддий одамларни? Диктаторнинг жирканч сиёсати! Унинг ўз халқ билан иши йўқлиги. Уларнинг муаммолари, дардлари билан ўртоқлашмаслиги!

Чарос

ШЕЪРЛАР

Байроқ ҳам ёримнинг этаги эмас...

*Бобом Алишерни ҳурмат қилишим,
Ё Амир Темирга садоқатим ҳам,
Ҳурматли сиёсат, бу менинг ишим,
Ҳурматли сиёсат, тинч кўйинг бир дам!*

*Ватанни севишим ёки севмашим
Дилимнинг тубида ётади пинҳон.
Менинг туйғуларим – бу менинг ишим,
Қалбим сизлар учун эмас дастурхон.*

*Ватан ҳуштор эмас ҳушомадга ўч.
Жоним фидо,-дебон ҳайқирманг бир нас.
Ошкор ҳайқуриқлар ёнгоқ каби пуч.
Байроқ ҳам ёримнинг этаги эмас.*

Жуда яқин биз кутган замон!

*Умид сўнмас қалбда ҳеч қачон,
Элга бўлган чин муҳаббат ҳам.
Келар бир кун биз кутган замон,
Парчаланар кишан, зулмат, гам.
Эрк йўлида бардам бўл сафдош!*

*Юрагингда сўнмасин ишонч.
Сеники шу замин ва қуёш,
Сеникидир шодлик, бахт, қувонч.
Ва зафарга бўлган зўр ишонч!*

*Озодликка ташна кўнгуллар,
Буюк миллат ўйғонар бир кун.
Сафимизга қўшилар улар,
Эрк йўлида курашиш учун,*

*Мустабидни қулатиш учун.
Тикланилади яна шараф-шон,
Ўйғонади миллат ғурури.
Озод бўлар ҳазрати инсон,*

*Ўйғонади онги, шуури.
Аёл шарми, эркак ғурури.
Умид сўнмас қалбда ҳеч қачон,
Жуда яқин биз кутган замон!*

ҚЎЗҒОЛ ЭЛИМ

*Қўзғол элим, кишанларни уз,
Олақолгин сен эркин нафас.
Юракдаги қўрқувларни буз,
Шунқор учун қафас ватанмас.
Қўзғол халқим, бўлақол озод,
Сеникидир шу ер, шу замон.
Бир учиб қўр, кенг ёзиб қанот,
Нақадар кенг жумлаи жаҳон.
Қўзғол элим! Яшасин хурлик!
Ойдин, ойдин режасарни туз.
Бўлсин десанг келажак хурлик,
Иккиланмай занжирларни уз!*

Анвар Абдулла

БИЗГА ИШЛАМАСАНГ ДОРИ БИЛАН УШЛАТИБ, ҚАМАТАМАН ЁКИ ТИРИКЛАЙИН ОСАМАН! ДИКТАТОРНИНГ ИТЛАРИ...

Тахририятимизга турли мавзудаги, лекин маъно жиҳатдан бир хил хатлар тез тез келиб туради. Асосан, Каримов режимдан шикоятлар! Куйида яна бир мактубни эътиборингизга ҳавола қиламиз.


Хурматли тахририят, деб бошланади Ўзбекистондан келган бир мактубда. “Асли Андижонликман, бундан 4йил аввал кўшни Қирғизистоннинг Ўш вилоятига келин бўлиб тушганман. Мен турмушга чиққан вақтимда Дўстлик ўтказиш пункти очиқ эди, Қирғизистонда ҳали уруш бўлмаган эди. Лекин ўша вақтларда ҳам мен уйга кетаётганимда Ўзбекистоннинг МХХ ходимлари сўроқ қилишар эди. Улардан безиб қолган эдим. Саволлари: Кимлар келяпти Ўшга? Сизни куёвингиз, қайнотангиз нима иш қилади? Кўшнилари нималар хақида гаплашади? Шу каби, ахир мен у эркаклар билан гаплашиб туришни умуман ўзимга эп кўрмасдим, (МХХчиларнинг аксарияти ёш йигитлар).

Хуллас, шундай қилиб 2010йил бизда уруш бошланди. Биз Ўзбекистон тарафга қочиб ўтдик. Ўзим ҳамшира бўлганлигим учун, урушда ярадор бўлиб ўтганларни қарар эдим. Шу кунларда билдим МХХчилар одам эмаслигини. Сабаби, одамлар аранг қочиб ўтишган, улардан ҳадеб сиёсат хақида сўрашади. Баъзиларидан ёзма бир нарсалар олишади, кўрқитишади. Июнь воқеаларидан кейин Дўстлик ҳам ёпилиб қолди. Бир муддат Андижонда қолиб кетдим. Орада бир амаллаб, ўғри йўл билан Ўшга ўтдим. Тахминан бир йилда Дўстлик очилди (бу орада мен фарзандли бўлдим). Бир куни онамникига бориш учун йўлга чиқдим. Турмуш ўртоғим Қирғизистон томон-

дан кузатиб юборди. Ўзбекистон томонга ўтишим билан томоша бошланди. Қўлимда болам борлигига қарамасдан мени ўтказишмас эди. Айбим паспортимда Қирғизистондан чиқиш мухри йўқлиги экан, “Уруш вақтида қочиб ўтганман”, десам ҳам ҳеч бўлмади.

Уларнинг хийласини билардим, чунки мени қайнотам Ўш шаҳар кенгашида ишлар эди. Улар мендан фойдаланишмоқчи эди. Ўйлаганимдек бўлди. Ёши 27-28ларда бўлган бир йигит чиқди, “Опа келинг, гаплашиб оламиз”, деди. Мен нимани гаплашар эканмиз деб у бошлаган хонага кирдим. Болам йиғлар эди, “қорни очган шекилли, сиз бемалол ўтиринг бироз, мен ҳозир” деб чиқиб кетди. Боламни эмизиб, ухлатдим. Йигит кирди. Мендан очиқчасига “Шу ердан хар доим, ҳагто пост ёпиқ бўлганда ҳам бемалол ўтишни хоҳлайсизми, унда бизга ишланг”, деди.

Мен нима иш қилишимни сўрадим. “Қайнотангизни хужжатларидан нусха обкеласиз, кимлар билан гаплашганини, нима хақида гаплашганини, иложи бўлса аудиозапись қилиб оласиз”, деди. Ундай қилмасамчи? деб сўрадим. “Унда қайтиб бу ерда қорангни кўрсатсанг сумканга дори солиб ушлатаман, қамалиб кетасан, ёки тириклайин осиласан. Бўлмаса менга одам топиб берасан бизга ишлайдиган”, деди. Ўша куни мен ундан қутулиш учун таклифига рози бўлдим ва кетдим. Мени паспортимга аввал Ўзбекистондан чиқди деган белгини, кейин кирди деган белгини босишди. Мен икки кундан кейин уйимга қайтдим. Энди паспортимда ҳеч қандай айбим йўқ, деб хотиржам эдим. Чучварани хом санабман. Ўзини Собир деб таништирган йигит менга



одамлар юбора бошлади, ҳаловатим йўқолди. Бир кун Андижонлик холамни ўғли бўлиб, қизи бўлиб. Ва ҳоказо, бу итлар ҳалигача мени тинчимни бузишяпти. Уларга ишламасам ҳоҳлаганини қилишар эмиш. “Ватан омон бўлсин!”, дейди менга. Ватан учун нафас олаётган бўлсанг қани хақиқат?! Уйим бузилади, десам “Йўқ, бу ёққа қайтишни ўйлама, бизга Қирғизистондан одамлар керак, сен ЎХХнинг материалларини ўқийсан, биламан, улардан нусхалар обкеласан, бу ёқдаги ўзбеклардан кимлар ЎХХга ишлашади уларниям аниқлайсан”, дейди. Мен ҳозир битта фарзандим билан ота онамни уйига қайтиб келганман, эрим билан ажрашдим шуларнинг касофатидан.

Оилам бузилгандан кейин Диктаторга нисбатан нафратим яна да ортди.

Мен тўғриси айтсам, ЎХХни ҳар доим ўқийман, Муҳаммад Солихнинггина Ўзбекистон Президенти тимсолида кўраман. Ҳалол одам, бошқаришни билладиган одам. Қани энди, тезроқ халқ кўтарилсаю, шу юзсиз ва зolim Каримов кетса!

Гулноза Шарипова

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ИИБНИНГ БОШЛИҒИГА!

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 7-мавзе, 50 дом, 44-хонадонида яшовчи фуқаро Ф. Х.

Тиллов
томонидан

ШИКОЯТ АРИЗА.

Ушбу шикоят аризани Сизларга ёзишимдан асосий мақсадим шундан иборатки, 2013 йил 23 август куни кеч соати 21-00да Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 7-мавзе, 50 дом, 43 хонадонида вақтинчалик яшаётган, “прописка”си йўқ (ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани “Қуйлик” массивида “прописка”да туришади) ён кўшним Костя исимли шахснинг турмуш ўртоғи, Юлия исимли аёл маст ҳолатда ўзини бошқаролмасдан қасддан менинг хонадонимга тегишли бўлган уйнинг дарвозасини қаттиқ жисм билан уруб, эшигимнинг замогини ва крочогини синдирди.

Шундан сўнг, мен ва оила аъзоларимиз билан эшикни очиб қарасам, эшигим остида ён кўшним бўлмиш, Юлия усти-бошида ҳеч вақоси йўқ, қип-ёлонғоч ҳолатда турганини кўрдик. Юлияхонга, “Сизга нима керак?” деб савол билан мурожаат қилсак. У рус тилида, «Моя муж Афвганец. Она контуженый. Она не имеет знать тирахнут. Она больная. Пожалуйста меня помогите что, я хочу ещё девочка или мальчиком. Посмотрите мая тела и сосиска» деб ўзининг танасини бизга кўрсатиб, реклама қилди.

Шунда менинг турмуш ўртоғим Насиба, “Уялмайсиз-ми? Эрингиз бўлишига қарамасдан, кишиларнинг турмуш ўртоғига ва оиласини бузушга” деганди. Юлия эса, оиламни курак устида турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб, уйимизга бостириб кирди ва хонадонимиздаги ўғлимга тегишли бўлган, компьютернинг “просессор”ини

кўтариб ерга урди. Қизимизга тегишли бўлган, “Самсунг” соткасини деворга олиб урди. Шундан кейин, кўчага чиқиб, “Костя помоги. Наш соседь мая иснасилываеь” деб бақирди.

Шундан кейин, Юлианинг турмуш ўртоғи, Костя бир нечта одамларни бизнинг уйимизга олиб келди ва бизни урмоқчи бўлишди. Шунда мен ва турмуш ўртоғим Насиба, Костяга бўлиб ўтган воқеани тушунтирдик. Костя эса, хотинининг мастлигини кўриб, Юлиани бўйнига ва қўлларига бир неча бор қўли билан шапалоқлаб урди. Хотини бизнинг уйимиздан чиқиб кетмайверганидан сўнг, унинг қўлларидан ва бўйниларида тортишди. Юлия эса, “Костя ты не мушчина. Ты грязный. Ты пидараз. Ты алкаш...” каби сўзлар билан эрини ҳақорат қилди. Шу куни эри-хотин то тонгача жанжал қилиб чиқишди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ИИБНИНГ БОШЛИФИГА!

(Дақоми: Боши олдинги саҳифада)

Булар ушбу жанжаллари билан бутун маҳаллани бошга кўтаришиб, ён-қўшниларни тинчлигини бузуб келмоқдалар...

Мен ушбу шикоят аризамда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтаманки, Юлия исимли аёлнинг ҳеч бир жойига қўл тегишмаганман ва хатто ҳақорат ҳам қилмаганман. Бу аёл фирибгарлик қилиб, турмуш ўртоғи Костянинг ургани ва танасига шикаст етқазгани мендан кўрмоқда. Шу туфайли, медэкспертизадан ўтиб, менга тўхмат ва бўхтонларни уюштирмоқда. Бу эри-хотинлар бизнинг ён қўшнимиз бўлмасидан илгари, 7-мавзе, 48 домда яшаганлиги маълум бўлди. Булар ўша жойда ҳам, ён қўшнилари билан жанжаллашганлар. Бир неча бор милицияга олиб кетилганлиги ва

ҳар куни ҳамда ҳар сония маст ва аласт икковлашиб, спиртли ичимликлар ичиб юрганликлари маълум бўлди. Бу ҳақда олдин яшаб кетган қўшнилари билан биз суриштириб билдик. Бу эри-хотинлар яъни, Костя ва Юлияхонимлар ҳозирги вақтда яшаётган хонадон, Костянинг опасига тегишли бўлгани ва унинг номига расмийлаштирилгани ҳам аниқладик. Бу ҳақда биз билан бирга ён қўшни бўлиб яшаб кетган, Муяссар исимли шахсдан маълумотга эга бўлдик...

Мен ушбу шикоят аризам сўнггида шуни Сизлардан илтимос қилиб сўрайман-ки, Ўзбекистон Республикасининг тегишли моддаларига кўра, бу иккала шахсни "норколог" шифокорлар кўригидан ўтқазиларингизни талаб қиламан. Худди шунигдек, Ўзбекистон Респу-

бликаси МЖТКсининг 39, 40 моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167, 168 моддаларига асосланиб чора кўришларингизни ҳамда менинг шахсий мулкимга зарар етқазганли туфайли, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосланиб, босқинчилик жиноятини содир этганлиги учун, бу иккала шахсларга нисбатан чоралар кўришларингизни талаб қиламан!

Мен ушбу шикоят аризам сўнггида кўйидаги ҳужжатларни илова қиламан.

Компьютер ҳужжатларининг асл нусхасидан кўчирма 1-дона.

"Самсунг" қўл телефонининг асл ҳужжатида кўчирма 1-дона.

Поспортимнинг асидан кўчирма 1-дона Илова 3-варақдан иборат.

Имзо:

Сана: 04.09.2013.й.

(Рассом ва журналист Шухрат Бобожоннинг туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан)

Шухрат Бобожон жуда закий журналист. Балки журналистлик сифатидан унинг закийлиги оғирроқ босар. Ҳа, у шубҳасиз оддий журналистликдан каттароқ сифатга соҳиб. Бу сифатнинг исмини топсам айтаман бир кун. Шухрат Бобожоннинг рассомлиги алоҳида мавзу, унинг жиддий ва ақлли мақолалари ҳақда ҳам бошқалар айтсин. Мен унинг жамоатчилик қаршида мунтазам кўрсатиб келаётган кичик, аммо эффектив акциялари ҳақда қисқа гапирмоқчиман.

Унинг фейсбукда «шунчаки» кўяётган расмлари ва бу расмларга қисқа изоҳлари доим бир концептуал мағиз ташийди. Бу кичик чизгиларда, дейлик, бир киши, бир шахс, баъзан хатто бир жамоанинг у ёки бу вазиятда кўрсатган ва ёки кўрсатаолмаган ижтимоий жасоратини ва ёки иккиюзлилигини ифшо қилади. Яқинда бир расм, унинг ёнига Абдулла Ориповнинг шу шеърини илова қилди фэйсбукка:

*"Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганда қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.
Жами тирикликка таниш шу хатар,
Қумурсқа яралган ёппа таларга.
Дустим, алам қилар, арслон беҳабар,
Ём бўлиб кетсак шу қумурсқаларга".*

Расм Ўзбекистондаги режим мухолифларининг чет элда ўтказган мажлисидан бир саҳна-фрагмент: танаффусда қўлини чўнтагига тикиб, у ёқ-буёққа юраётган инсонларнинг тасвири холос.

Аммо Абдулла Ориповни ҳам, мухолифларни ҳам танийдиган биттаси учун, масалан, камина учун Шухратнинг бу мини-акцияси тахайюл чегараларини кенгайтирадиган бир омил.

ТАХАЙЮЛ



Тахайюлимизни шеърда юритиб кўрайлик. Бу шеър мухтамалан Турғунлик йилларида ёзилган. Шу икки мисра жуда гўзал!

*"Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош".*

Биз каби Совет даврида вояга етган ўқувчининг кўз олдига Рус Декабристларининг шукуҳли тарихини келтиради. Бир кутлуғ ғоя учун ўлимга ҳозир бир авлод чизади тахайюлимиз.

Инсон яшагиси келади, қисқаси. Аммо шеърнинг учинчи мисрасидаги «Арслон чорлови» ва унга лаббай деб жавоб берган «сафардош қумурсқалар» бизни яқиндагина ҳаяжонлантирган мотивни дарҳол заифлатади. Иккинчи тўртлик эса бу кўтаринчилик руҳини чил-парчин қилади.

Бошланаётган ижтимоий дoston Арслон (ёки Подшоҳ) ҳузурига бориб, бири бири билан сарпо «талашган» тамагир қумурсқаларнинг зарбулмасалига айланади.

Бу типик Абдулла Орипов шеърляти. Аслида, шоир яхши ниятли шахс ва, ҳар бир шоирда бўлгани каби, унинг ҳам асл қахрамони - Яхшилик ва Ёмонлик. Аммо унинг деярли бутун шеърларида

ёмонликнинг манбаи тоталитар ёки диктатор режимлар эмас, балки бу режимлардан мукофот оламан деб мамлакатнинг Буюк Шоирининг оёғидан чалган ҳасадгуй «қумурсқалар» бўлиб чиқади. Бу «қумурсқалар» рўйхати ўтган асрнинг 60 йилларида адабиёт саҳнасига чиққан Эркин Воҳид билан бошланиб, 21 асрда пайдо бўлган энг ёш шоиргача давом этади.

Шеър фабуласи, ундаги конфликт, зиддият ва ечим кўпинча шу қумурсқалар (баъзан итлар) образига қурилади.

Орипов фақат шеърларида эмас, кундалик ҳаётида ҳам «актив гражданлик позицияси»да турган ва яқин тарихимизнинг жаъми чорраҳаларида «сафдош қумурсқаларга» зарба бериб, режим қаршида тартибга қажирган.

Шу маънода, А.Орипов шеърляти орзу қилинган ижтимоий юкакликка чиқолмасдан, маиший савияда қолиб кетди. Унинг 60- йиллардан кейин ёзилган шеърларини тўпласа, уларнинг ижтимоий вази шоирнинг илк китобидаги «Тилла балиқча» шеърдан оғир эмас. Шухрат Бобожоннинг топоғонлиги шундаки, бу шеърнинг фош қилувчи кучи фақат муаллифнинг ўзига эмас, шеърга илова қилинган расм персонажларига ҳам ишора қилади.

Мухолифларнинг илк мажлисида худди А.Ориповнинг шеърляти каби «биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни, бизда ҳам бор эди матонат, бардош».

Ҳатто баъзиларимиз «8 ойдан сўнгра Ватанга қайтамиз», деб ҳайқиргандик у шукуҳли дамларда.

Аммо «бу матонат,бу бардош» узокка бормади.

МХХ одамларини Дюсселдорфга юборди ва иш яна «қумурсқалар»га бориб тақалди...

Шухрат Бобожон кўйган расм ва шеърнинг маъноси мазмуни каминанинг тахайюлида шулардан иборат эди.

Муҳаммад Солиҳ

Шу кунларда матбуотда бир хил мавзу, Интернет орқали ташқи тажовуз мавзуси кўпайиб кетди. Ушбу мақола ўша муаллифларга қарата ёзилган.

Инсон қалби мисоли бир қалъа. Унга фақат очиқ дарвоза ёки эшикдан кирилади. Эшикнинг калити эса инсоннинг қўлида. Агар у истаса очади, истамаса очмайди. "Интернет хуружи", у — матбуотда қайта-қайта кўтарилаётганига қарамай, у даражада хавфли эмас. Ҳавф ичкарида, қалъа деворлари мўрт, ичкарида ҳам аҳвол яхши эмас. Мустаҳкам ғоя бўлмаганидан кейин, қалъа химояси сусаяди. Ташқи интервенцияга дош бера оладиган ғоялар бўлмас экан, ёшларни ёмон йўллардан асраб бўл-май-ди. Телевизорга чиқиб олиб, - Ватан учун ўламан, қоламан, — деб жар солаётган ёшларнинг сохталигини ҳаммамиз билиб, кўриб турибмиз.

Мен ёшларимизни ёмон демайман, бунга тилим бормади, виждон йўл қўймади. Болаларимиз биздан кўра ақллироқ, виждонлари ҳам тоза. Фақат уларга бор нарсани бордай кўрсатадиган катталар йўқ. Кичкина ёлғондан катта ёлғонлар бошланади.

Шу рунда мақола ёзаётган жаноб зиёлилар, ўзингизнинг ақлингиз билан, чуқурроқ ёндошиб ёзсангизчи мақолаларни.

Хисобот учун ёзаётган бўлсаларинг, яна ўзларинг биласизлар. Лекин, ҳақиқатан ҳам болаларимиз келажаги, Ватан, миллат тақдирини Сизни ташвишга солаётган бўлса, масалани чуқурроқ ёритинглар, бўлар-бўлмас гаплар билан одамларнинг бошини оғритманглар.

Одамнинг бутун борлиги билан, уни ўраб турган муҳит, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, ва ҳоказоларни ҳисобга олиб, ёзилган мақолаларгина натижа беради.

Ўйлаб кўринг!

Акалари, опалари, ота-оналари, қариндошлари, дўстлари тирикчилик дардида мардикорлик қилаётган, намоз ўқигани учун қамалаётган, тазйиққа учраётган, уйда свет, газ, молига хашак, ўзига тузукроқ кийим-кечак йўқ, тўйиб овқатланмаганидан камқонликка учраган ёшларни қандай қилиб "ватанпарварлик" бўйинтуруғида ушлаб туриш мумкин?

Мақтаб, лицей, институтларда қўлини кўрагига қўйиб мадҳия айттириш, мажбурлаб пахта тердириш, чопиққа чиқариш, далага гўнг ташиттириш, "давлат қураётган" "муҳташам" уй-жойлар қурилишида ишлатиш, алдаб-сулдаб маддоҳлик қилдириш мумкин, лекин мажбуран Ватанни севдириш, миллатни

БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ!



хурмат қилдириш мумкин эмас.

Муҳаббат юракдан чиқади.

Юрагини заҳарлаган, ҳалқини хўрлаган ватанга содиқ бўлолмайди ёшлар. Тўғри, кўксига муштраб, «Мана мен севаман Ватанни, мана мен унга жонимни фидо қиламан» деганлар бор, лекин улар бу сўзларга бошқача урғу қўйишларини биз биламиз.

Давлатнинг "Узлуксиз таълим тизими"га кўра, бизда барча ёшлар қамраб олинган. (9-синфни битирганлар коллежларга тақсимланади. У ерни битирганлар институтга кирак, коллеж, лицей, институтларда бўлганларидан кейин уларнинг тизгини ҳукумат тизимларининг қўлида бўлади. У жойларда эса истаганча уларни "дрессировка" қилиш мумкин.

Маъмурият бунинг ҳадисини олиб қолган. Борди-ю буям камлик қилса, "Ўз ўзини бошқариш тизими" га тушади. Маҳалла қўмитаси оқсоқоллари, фаоллари, посбонлари — ҳаммаси ҳукумат хизматида. Талабни бажармаганининг уйда свет, газ бўлмайди, "Ёрдам пули", нафақа, маълумотномалар берилмайди, қўни-қўшни орасида изза қилинади. Энди буям кор қилмаса, куч ишлатар тизимлари ишга тушади. Дўқ-пўписа қилади, бўйнига "Статья" қўяди, қисқаси ур-калтак, сур калтак! Мана, сизга халқнинг аҳволи.

Нима, бу аҳволни болаларимиз билмайди деб ўйлайсизми?

Билади.

Билади-ю, нима қилишни билмайди. Чунки ҳали ёш-да...

Мана шу шароитда ўсаётган болаларни қандай қилиб интернет хуружидан асрай оласиз? Хўп, мактабга, коллежга телефон олиб киришни таъқиқлаб ҳам қўйдингиз, кўчада, уйда ишлатади. Телефонларини текшириб ҳам турибсиз дейлик, улар маълумотларни зиғиртдайгина флешкаларда сақлайди.

Топиб бўлсиз!

Миллатимиз тақводор халқ, бу қонимизда бор нарса.

90-йилларда динга йўл берилганда масжидларга одамлар сиғмай кетди. Айниқса ёшлар ёппасига намозга киришди. Кўрсанг дилинг яйрар эди. Энди-чи?

Соқол қўйган, дўппи кийган, намоз ўқиганларнинг аҳволи нима бўлаяпти?

Мана кечагина бўлган воқеа: Бир танишим, ёши қирққа борган «Ака, менга намоз ўргатинг», деб қолди. Мен розилик билдириб уйига бордим. Унда китоб йўқ экан, компьютерига намоз сураларини ёзиб, тушунтириб бердим.

Гап орасида унга адабиётлардан фойдаланишни маслаҳат бердим. Шунда у, «Қўшнимиз диний китоб сотади», деб қолди. Қўшниккига чиқдик. Ёши элликлардан ошган, кўринишидан жуда тақводор одам экан. Мен хурсанд бўлдим. Лекин у:

— Ҳозир намоз китобларини сотиш таъқиқланган, — деб қолди. Аҳволни тушундим.

— Ҳа, майли, ундай бўлса ўзингизнинг китобингизни беринг, ўқиб, қайтариб беради, — десам. — Китобни бировга бериб юборганман, — дейди.

Мен содда:

— Ҳа, майли, унда бу укамиз билан вақти бемаҳал шуғулланиб, бирга намоз ўқиб турсаларинг ҳам бўлади, -десам, у хижолат бўлиб:

— Бизнинг намоз ўргатишга ҳуқуқимиз йўқ. Бу масжид имомларига тегишли, -дейди.

Хуллас, дин тўла-тўқис ҳукумат назоратида.

Радио, телевизор, газета бариси бир хил рангда. Урра-урра!

Энди нима қолди? Яна ўша интернет.

Аслини олганда, интернет биз бахтиқаро халқ учун Аллоҳнинг кутилмаган тухфаси десак арзийди. Интернет бизга ўзимизнинг кимлигимизни англаш, кимлигимизни олам аҳлига билдириб қўйиш, ҳукуматнинг тизгинидан бир оз бўлса-да қутилиб, озодлик нафасидан баҳраманд бўлиш учун юборилган имкониятдир.

Агар болаларимизнинг кўнгли тўқ, еб-ичардан, кийим кечакдан кам бўлмаса, ҳар қадамда тўсиқ-таъйиқларга учрайвермаса, ҳалол ишлаб, ҳалол яшашга имконият яратилса, ҳеч қандай ташқи ташвиқот уларни йўлдан оздиrolмайди.

Бизда битта нарса етишмайди. Буни ўз вақтида машҳур футболчи Пеле кўзида ёш билан айтган: БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ!

Ҳа, болаларни севинг, ватандошлар! Болаларни севинг!

Мирза Анвар Хамидов

Куни кеча Самарқанд шахрида “Ўзбекистон ва АҚШ тажрибалари” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, олим ва мутахассислар, АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари иштирок этдилар, дея хабар беради www.zarnews.uz сайти.

қонун чиқарувчи ва қонунни ижро этувчи ҳокимият тизимларининг ўзаро муносабатлари ва бир-бирдан мустақиллиги, марказда ҳамда жойларда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан назорат қилиш амалиётини ўрганиш имконига эга бўлишганди. Лекин кузатувчилар бундай муносабатларнинг самарадорлигига катта ишонч билдирмади.

Конференция ишида давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири эканлиги таъкидланди. Аҳолининг сиёсий фаоллиги ўта паст, чунки ҳукуматдан кўрқишади, яъни сиёсат ҳақидаги фикрларни очик-ойдин айтиш имконлари йўқ қилинган. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бора-сидаги бу сиёсати сир эмас, ва шу сабаб, Ўзбекистон доим танқид қилинади.

Лекин Каримов кетгандан кейинги трансформация жараёнида халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга балки кучлироқ таъсир қилиш кучига эга бўлади, деб тахмин этиш мумкин.


Маълумки, Ўзбекистонда яқин йилларда Парламент ва Президентлик сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Каримовдан кейинги президент ва ҳукумат учун халқаро ҳамжамият тарафидан тан олинishi ўта муҳимдир.

Шунинг учун шахсан И.Каримовнинг Россия билан ҳамкорлиги унчалик ҳам яхши бўлмаган бир вақтда, Америка билан муносабатларни яхшилашга мажбур, айни пайтда Каримов ўзининг ҳозирча номаълум бўлиб турган вориси учун ҳам муҳим позицияларни мустаҳкамлашга муҳтож.

Шунинг учун, бир пайтлар Кремлга қараб яшаган бўлса, энди Оқ Уйга қараб яшашга мажбур.

Чарос

КАРИМОВ: КЕЧА КРЕМЛГА, БУГУН ОҚ УЙГА!



Би-Би-Си радиосига берган суҳбатида ўзбекистонлик сиёсий таҳлилчи Камолиддин Раббимов шундай деган: «Биринчи Америка-Ўзбекистон алоқалари эҳтиросларга бой эди...»

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга жуда катта инвестиция ва қўллаб-қувватлов беради, деган ҳолат мавжуд эди. Бугунги муносабатлар мана шу эҳтирослардан мутлақо ҳоли. Ўзбекистон жиддий инвестиция кутаётгани йўқ. Ва бу геосиёсий яқинлашувни Россияга қаратилган ёки бошқаларга қарши қаратилган дейишимиз қийин. Айни пайтда Америка томони ҳам Ўзбекистондан инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида жиддий ислохотлар кутмайди. Чунки, расмий Ўзбекистон бундай ислохотларни қила олмаслигини яхши билади».

Анжуман мобайнида қабул қилинган тавсияларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларни модернизациялаш бўйича кенг қўламли дастурни рўёбга чиқариш, парламентаризмни янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва демократик институтлар фаолиятини кучайтиришни тақозо этиши қайд этилган. 2010-2012 йилларда Ўзбекистонлик бир неча вакил АҚШга ташрифи давомида Сенатнинг ишлаш тажрибасини,

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ФЕСТИВАЛИДАГИ ХОДИСА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛМАЯПТИ

30 август куни Самарқандда иштирокчилари ва меҳмонлари куйиш жароҳати олган портлаш билан бошланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқали фестивали яқунланганига ҳам бир ҳафта бўлди.

27 август куни, IX халқаро мусиқа фестивали пайтида юз берган воқеа ҳақидаги ахборот махфийлигича қолмоқда. Uznews.net маълумотига кўра, танлов очилиши шарафига пиротехниклар салют уюштиришган, бироқ фейерверклардан бири ерга тушиб портлаган ва атрофдаги одамларга куйиш жароҳатлари етказган.

Воқеа гувоҳларининг сўзларига кўра, жабрланганлар Ҳиндистонлик иштирокчилар бўлишган, жуда бўлмаганда улар ҳиндистонликларга ўхшашган.

Портлаш жойига тиббий тез ёрдам етиб келган ва саккиз нафар одамни фестивал ўтаётган Регистон майдонидан олиб кетишган.

Ушбу воқеанинг ҳар қандай тафсилотлари ёпиқлиги сабабини айримлар, фестивал очилишида Ислон Каримовнинг иштироки билан боғламоқда. Айрим иштирокчилар ва меҳмонларнинг ярадор бўлиши унинг пинагини бузмади. Давлат телевидениеси уни Хоразм вилояти артистлари чиқиши пайтида рақс тушаётганини акс эттирди.

У билан бирга, шу кунларда Ўзбекистонда сафарда бўлган ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова ҳам рақсга тушган.

УзА Давлат ахборот агентлиги, 30 август куни Самарқанддаги фестивалнинг ёпилгани ҳақида хабар қилади. Унинг энг юксак даражада ўтгани, шу кунларда Самарқанд мусиқа байрами муҳитига чўмганини билдиради.

Фуқароларнинг ўзлари эса шундай дея ҳисоблашмайди. Ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтадиган, президенти ташаббуси билан бошланган фестивал катта ноқулайликлар туғдирмоқда.

Фестивал муносабати билан 27 августда Самарқанднинг барча асосий йўллари ва халқаро магистралнинг бир қисми ёпилди.

Самарқандга ташрифи билан Каримов шунингдек Самарқанд шахридан 30 км узоқдаги Имом Ал Бухорий мажмуасини зиёрат қилгани учун, одамларнинг шаҳар ташқарисидagi одатий ҳаёт тарзи ҳам бузилган.

Фестивалнинг асосий саҳнасини электр энергияси билан таъминлаш, президент кортежи ўтадиган йўллар ва кўчаларни ёритиш учун Самарқанднинг бир қисми токсиз қолдирилган.



Каримовнинг Самарқандга учиб келишидан бир неча соат олдин Самарқанд йўл хизмати асфальт қопламасидаги йўл белгиларини янгилади, чунки, бир неча кун олдинги чизилганлари ўзининг ёрқинлигини йўқотган эди.

Оқдарё тумани фуқароларининг сўзларига кўра президентнинг Самарқандга ташрифи арафасида Имом Ал Бухорий мажмуасига элтувчи йўлда, енгил машина йўл ўртасидаги бетон түснларни бўяётган ишчини уриб юборган ва у ўлган.

Илк бор «Шарқ тароналари» фестивали 1997 йили ўтказилган. Анъанага кўра унинг тақдиротида Каримов иштирок этган.

Ана шундай!!! “Ота”нинг Ўзбекистон бўйлаб юриши ҳар доим фуқароларга ноқулайликлар яратади. У ҳар сафар бир жойга борганда битта иккита одам ўлса ҳам, у ва унинг атрофидагилар пинагини ҳам бузишмайди.

Шавкат Холиқов



SAMSUNG ДАН ЯНГИ ҚЎЛ СОАТИ

4сентябрь куни Samsung ширкати смартфоннинг русумидаги қўл соатни Берлиндаги савдо кўргазмасида тақдим қилди. Samsung ширкатиغا кўра, Galaxy Gear деб номланган “ақлли” соат ўз эгаларига бир қатор қулайликлар ҳада қилади. Масалан, телефон қўнғироклари ва sms хабарларини соат дисплейида ўқиш, телефонни чўнтақдан олмасдан

қўнғирок қилиш имконини беради. Бундан ташқари смартфоннинг ёрдамида расмга олиш ҳам мумкин. Galaxy gear шу ой охирида 299 доллардан сотувга чиқарилиши кутилмоқда. Яқин ҳафталар ичида Samsung ширкатининг асосий рақиби ҳисобланган Apple компаниясининг ҳам шунга ўхшаш соатни очиклаши кутилаётган эди.

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК АЁЛИ, ҲОЛИНГ НЕЧУК?

Ўтган ҳафта охирида Туркияда яна бир ўзбек аёли бу мамлакат фуқаросининг шаръий никоҳига кирди.

Мавлоно Румий умргузаронлик қилган Кўнё шаҳрида ҳеч бир дабдбасиз ташкил топтирилган янги оиланинг Туркия қонунлари дорасида расмий қайдга олинishi учун ҳужжатлар тегишли идорага топширилди.

Наманганлик Соҳибахон (исм ўзгартирилган — тахр.) ўтган йилнинг кузида Истанбулга келганини айтади:

Уч нафар фарзандим бор. Тўнғичим балоғат ёшида. Болаларнинг отаси билан кўп жанжал бўлавергандан кейин, бундан ўн йил аввал ажрашганмиз. ЗАГСимиз қирқилган эди. Шунга қарамай, у одам ҳадеб ота-онамнинг уйига ичиб келиб рашкидан мени дўппославерганидан кейин жонимни қутқариш учун бу ёққа (Истанбул шаҳрига, демоқчи — тахр) қочдим. Сўнги пайтлар рашқдан пичок ўқтаб зўрлик қиладиган бўлиб қолган эди, — дейди Соҳибахон.

Аёл бир қанча вақт Истанбулда яшаб, хусусий ширкатларда ишлаб турганини ва 2013 йил бошида БМТнинг Қочқинлар билан ишлаш Анкарадаги идорасига мурожаат қилганини айтди:

У ерда ёзган аризамда эрим томонидан жонимга таҳдид борлиги учун Ўзбекистонни ташлаб чиққанимни билдирганман. Орадан етти ой ўтиб менинг муаммоим шахсий бўлгани учун ишим ижобий яқун топмади. Такроран мурожаат қилиб вақтни бой бериш ўрнига шу ерда бирови билан никоҳдан ўтиб, Ўзбекистонга депорт бўлишдан қутилиб қолганим маъқул, деб билдим. Бу одам мендан 25 ёш катта. Аввалги турмуши қазо қилган, уйланган ўғли билан бир ховлида яшаймиз, дейди наманганлик 40 ёшли Соҳибахон.

У иккинчи турмушидан мамнун эмаслигини ва шартли равишда Туркия фуқароси билан никоҳга рози бўлганини яширмайди:

Наманганда онамнинг қўлида қолган фарзандларимнинг келажagini ўйлаб ҳам шунақа шароитга рози бўлдим. Бошқа чорам қолмаган эди. Ўзбекистонда болаларни олий маълумотли қилиш, бир ерга ишга жойлаш тобора ушалмас орзуга айланиб бораёпти. Туркияда хорижлик фуқаролар учун таълим соҳасида кўпгина имтиёзлар берилган. Бу ерда тил билсанг иш ҳар қадамда. ЗАГСдан ўтиб олай кейин болаларимни қақиртирмаман, ишга қираман, хуллас одамлардек ҳаёт бошлайман, дейди Соҳибахон келажакдаги режалари билан ўртоқлашиб.

Сизнинг никоҳ тўйингиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллик тўйига тўғри келди. Сухбатларда кўпчилик ўзбекистонликлар мустақил давлатни кўп йиллар орзу қилгани айтилади...

Тўғри, мустақил давлатимиз бўлишини биз ҳам орзу қилганмиз, лекин менинг хаёлимда бошқача мустақил давлат бўлган, бугунгидақа эмас. Ундан ўша совет даврида яшаганимиз анча яхши эди. Аслида менинг оилам бузилиб, болаларим тирик етим бўлишига мустақил давлатни ўз фойдасига бошқараётган қатталаримиз сабаб, деб биламан. Нега десангиз, оиладаги жанжалга аслида етишмовчилик туртки бўлади. У даврда ўнта болан бўлсаям боқардинг. Ҳозир фақат юртбоши ва унинг агрофидагилар роҳатда, биз оддий ўзбекистонликлар хорликдамиз. Кимни сўраманг хорижда ишлаб ўша ерда яшапти, эрга тегаяпти... хунари йўқлар — энди ҳамма ҳам эмас, лекин мен Истанбулда кўп учратдим — фоҳишалик қилаёпти. Совет даврида хорижга бориб фоҳиша бўлган ўзбек аёлини эшитганмисиз?, дея савол ташлайди Соҳиба.

У ўзининг бундай жирканч ишдан кўра, шартли бўлса ҳам шаръий никоҳ билан яшаётгани айб эмаслигини ва шу жиҳатдан виждонан кийналмаслигини бир неча марта такрорлайди.

Аллоҳга шукр, унақа йўлларга кирмадик... эрта бир кун ваганимиз обод бўлса, Аллоҳ фазли билан бир инсофли одам президент бўлса, юртимизга қайтиб борсак виждонимиз кийналмайди. Лекин бугун бизни шу қуйга солган, яна устимиздан “дангасалар”, деб кулган Каримовни ҳар оқшом тўшақда унсиз йиглаб лаънатлайман. Иш ерлар бўлганида, болаларимиз ўқишга порасиз қира олганида, оиламиз тинч бўлганида биз шу ерларда мана шунақа сарсон бўлиб юрармидик?, — дейди кўз ёшларини қафтлири билан артиб суҳбатдошимиз.

Дунё бўлаб, жумладан Туркияда, яна қанча ўзбекистонлик қиз-жувон нотапонлик исканжасида қолган Соҳибахон сингари ўзга миллат фуқароси билан шартли шаърий никоҳдан ўтгани борасида аниқ маълумот йўқ. Аммо Туркиянинг Истанбул шаҳрига келсангиз, бир жиҳати билан худди Ўзбекистонга тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Бу шаҳарда ўзбекистонлик аёлларни тез-тез учратиш мумкин.

Такдир тақозоси билан бир кун ўзбекистонлик аёлларнинг меҳмони бўлдик. Икки хонадан иборат ижара уйда ўн битта аёл ва бир йигит яшаётган



экан. Улар турли касб эгаси, ораларида олий маълумотли врачлар ҳам бор. Ўзбек аёллари яшаётган уй санитария-гигиеник ҳолати жуда ачинарли эди.

Асли тошкентликман, Тошкент шаҳридаги марказий касалхонада 15 йил ишладим. Қудам ҳукумат одами эди. Ишида нимадир бўлиб қамалиб кетганидан кейин давлат идораларида ишлаган яқинларининг ҳаммаси ишдан ҳайдалди, мен ҳам шуларнинг бириман. Ўтган йили қизим Тошкентдаги тиббиёт коллежига икки минг доллар билан кирди, қарздор бўлиб қолдик. Уша қарзимдан қутилиш учун мана шу ерданман. Шахсий қорхонада ишлайман, ойига 500 доллар оламан. Шу пулни Тошкентда топганимда бу ерларни елкаминг чуқури кўрсин эди. Истанбул мен учун эмас, юртдош қизларимизнинг пул учун ҳар қандай пастликка бораётганлари эзиб юборди мени, деган эди ўзбек муҳожир аёлларидан бири Мавлуда.

Туркиянинг Бурса шаҳридаги ўзига тўқ оилалардан бирининг боласига энағалик қилаётган андижонлик Зухра исмли аёл бугун дунёнинг мусулмон ўлкаларида никоҳ билан оила қураётган ўзбек аёлларини дастаклашини айтади.

Мен бундай аёлларимизни қораламайман, аксинча фоҳишалик қилиш ёки ғайридинга турмушга чиққандан кўра, ўзидан қатта ёшда бўлсаям мўмин-мусулмон эркакнинг никоҳига киргани маъқул. Бу ўша аёлнинг тақдиридаги битик-да энди, нима қилсин... Ҳозир ўзбек аёллари турли миллат вакили билан турмуш қураёпти, кўпи зарурат ортидан. Ҳукумат тепасидагилар, президентимиз шу ишдан ор қилмагандан кейин, “эй ўзбек аёли, ҳолинг нечук?”, демагандан кейин бечора аёллар нима қилсин? Иш йўқ, бола боқиш керак, ўқитиб ҳаётга тайёрлаш керак. Мен шунақа аёллардан биттасини биламан, уч йил олдин Ҳозийантепда биттасига тегди. Туркиялик эркак аёлнинг болаларига қарашиб, мана ўқишларига ёрдам бериб, бир яхши яшайпти, бунинг нимаси ёмон? дейди Зухра ая.

Зулфия

Фаргона.Ру, Баходир Мусаев, жамият-шунос, 04.02.2006

Тинч инкилобнинг бахмал кумқоғози «Бошқарувчи синф ўз вазибаларини унутиб қўйиб, ҳокимиятга куч ва алдамчилик билан ёпишаётган жамиятни тоталитар деб ҳисоблаш мумкин». (Жорж Оруэлл)

Собик Совет Ўзбекистонда сталинча авторитар давлат ва у билан боғлиқ ҳаётнинг барча даҳшатлари қайта тикланди.

тирок этган муаллифларнинг таҳлил ва далилларига нисбатан бир қатор принципиал эътирозларни пайдо қилди. Айтиб ўтиш керакки, уларнинг ҳар бири ўз фаолияти соҳасидаги таниқли инсонлардир. Лекин таҳлилчиларнинг фикр юритиш оҳанги уларнинг Ўзбекистондаги аҳвол шу тарзда сақланиб қолиши тарафдорлари эканини кўрсатади. Уларни ўзбек халқининг ўзлари фожиавий бугуни ҳамда тақдири кўпам кизиктирмайди, деган таассурот уйғотади.

ЖАМИЯТШУНОС БАҲОДИР МУСАЕВ: «ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНДИ ОРТГА КЕТИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР»

Ҳозирги бошқарув режими эгаларининг ҳулқини белгиловчи асосий омил ислохотлар эмас, биринчи галда ҳокимият эгаларининг яшаб қолишларини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли ўзига ана шундай яшашни таъминлаш учун ҳокимият эгалари жамиятнинг уйқусираб юришини чўзишдан, ижтимоий тўқималар нозиклигини сақлашдан манфаатдорлар. Ва бу нарса шу пайтгача уларга зўравонлик ҳамда унинг ҳамроҳи ёлгон ёрдамида ҳокимият позицияларини мустаҳкамлаб келдилар.

2005 йилнинг 13 май воқеалари ва дунёвий муҳолифатнинг, жумладан Муҳаммад Солиҳнинг, унинг ортида турган издошлари ва иттифоқчиларининг бугунги фаоллашуви ўзбекистонликларнинг бундан буён ҳам ортга кетишга рози эмасликларига ишорат қилмоқда.

Барча виждонли ва фикрловчи ватандошларимизга шу нарса аниқ бўлиб қолди: бугунги кунда мутлақо эркинлик ва мустақиллик томонида туриб ҳаракат қилиш мамлакат ривожланишининг бундан кейинги йўлларини танлаш, давлатни ташкил қилиш шакли ва бошқарув режими учун қураш зарурлигини билдиради. Бизни Ўзбекистон Россиянинг геосиёсий ўйинлари контекстида ўз мустақиллигини йўқотиб қўйиши борасидаги реал хавф туғилган вазият ҳам ташвишлантirmай қўймайди.

Жамият ҳокимиятнинг зўравонлигига қаршилик кўрсатиб уйғонмоқда, эркинлик сари интилмоқда. Эҳтимол мен воқеалардан бироз олдинга ўтиб кетаётгандирман. Шу билан бирга мен куйидагиларни таъкидламоқчиман. Одамлар натижада бир нарсани аниқ англаб олдилар: Ўзбекистонда «амалдор халқ учун эмас, балки халқ амалдор учун» деган (Коэн, С) турмуш тарзи шаклланди. Энди одамлар ҳозирги режимни ёқламай, реал ўзгаришларни хоҳлашларини кўрсатувчи жараёнлар юз бермоқда.

Бир қараганда «Эрк» партияси лидерининг Буюкбританиядаги чиқишларида айтган «...Каримовни тинч йўл билан ҳокимиятдан четлатиш» ва «дунёвий муҳолифатнинг иши оммани демократик ўзгаришларга тайёрлаш» борасидаги позицияси тушунарлида кўринади. Бироқ «Фаргона.Ру» сайтида «Муҳаммад Солиҳ Фарбни Ўзбекистондаги «тинч инкилобни» қўллашга чақирмоқда» деб номланган фикрлар резонанси менда муҳокамада иш-

Бу матнларни ўқиб, шуни қузатдимки, баъзилари мантикий занжир билатуриб айтилган ёлгон ва ёки оддий анойиликдир. Баъзиларидаги далилсиз иддаолар эса муаллифнинг фикрларини бемаъни қилиб қўйиш даражасигача боради. Яхшиси, ҳаммасини бошидан бошлайлик.

1. Даниил Кисловнинг фикри бўйича менда алоҳида эътирозлар йўқ. Муаллиф М. Солиҳнинг 1993 йилдан тортиб шу кунгача бўлган фаолияти хронологиясини жуда тўла ва аниқ бера олган. Мен муҳолифат лидери ўзининг сўнгги чиқишларида (19.01.2006 ва 20.01.2006 йил) гўё Ўзбекистонда оммавий халқ чиқишларини ташкил қилишни ваъда берди, деган гапга қўшилмайман. Агар «Эрк» партиясининг юқорида айтилган нутқларини диққат билан ўқиб чиқсак, бундай сўзлар айтилмаганига амин бўламиз. Бу нарсанинг маъносини матн орасидан ҳам тополмайсиз. Муҳаммад Солиҳнинг нуткида биргина «эҳтиётсизлик» бор: «Ҳозирги режимни фақат Каримов ҳокимиятини алмаштирибгина енгиш мумкин».

Менимча, аввалги баёнотларига қараганда бу ерда шоирнинг шошилинч чиқарган хулосалари йўқ. Табиийки, унинг бундай чиқишлар сиёсатчининг обрўсига путур етказиб қўйиши мумкин эди. Шу ўринда М. Солиҳнинг «Каримов ҳокимиятини тинч йўл билан алмаштиришга» урғу бериши эътиборни тортади. М. Солиҳга романтик хусусиятларни бериш адолатдан бўлмайдди. Шу сабабли, «биз «инкилоб» сўзини ҳеч ким бизчалик жиддий қабул қилмаслигини билламиз. Сабаби ҳеч ким унинг зарурлигини бизчалик ҳис қилгани йўқ», деганда у ҳар доимгидан ҳам жиддий ва ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрган.

Муҳолифатчининг чиқишларини бойитувчи метафоралар билан баён қилишида ҳам бирор салбий нарса йўқ. Жамиятимизнинг ривожланиши масалалари билан бир неча йилдан буён шуғулланаётган жамиятшунос ва инсон сифатида мен уларни ҳузур билан ўқидим. Шахсан мен хориждаги муҳолифат ичида бу қадар Ватанга бўлган самимий ва шоирона безатилган муҳаббат билан мустабид тузумга нисбатан шу қадар нафрат туйғуларини намоён қилган, мамлакат муаммоларини тушунган, шунчалик интеллектуал иктидорга эга бошқа бирор шахсни билмайман. Ўзбекистондаги ҳокимият ва муҳоли-



фат муаммолари билан кизиккан ҳар бир одам бу ҳақда «Эрк» Демократик Партияси лойиҳасининг тўлдирилган варианты билан www.Erkinyurt.org саҳифаларида танишиб чиқиши мумкин. М. Солиҳнинг айтишича, Миллий Нажот Қўмитаси билан бирга ишлаб чиқилган парламент ва президент сайловларигача бўлган ўтиш даври учун дастур мавжуд. М. Солиҳнинг миллат қутқарувчиси ролига тўғри келиш келмаслиги ўринли савол. Бироқ буни вақт кўрсатади.

2. Аркадий Дубнов Солиҳнинг бугунги фаоллашуви Ўзбекистон раҳбариятининг ислохотлар бўйича ҳаракатларининг каттализатори бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида қизик фикр билдирган. «Солиҳ қартасини» унинг «чиндан ҳам ташқаридан туширилган жиддий сиёсий фигура бўлиб қолиши мумкинлигидан» кўрқиб натижасида ўйналаётган ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайман. Бу масала негизида Москвадаги сиёсий технологлар билан Каримов атрофидаги манфаатдор томонлар ва Россиянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари ётганлигини инкор қилиб бўлмайди.


Дарвоқе, мен журналист-таҳлилчининг муҳокамада қатнашган барча иштирокчилар орасида жуда муҳим «...Муҳаммад Солиҳга ўхшаган дунёвий лидер», иборасини қўллагани эътиборимни тортиди. Назаримда бошқа оппонентлар Солиҳ раҳбарлигидаги муҳолифат фаолиятининг дунёвий асосда қурилганини кўришни истамапдилар.

3. Малашенко «Фаргона.Ру» мухбирининг «Ўзбек муҳолифатида норозии оммани бирлаштири оладиган шахс борми?» деган саволига биргина, «Йўқ. Яқин кунларда бўлиши ҳам мумкин эмас», дея жавоб бериб, дарров хатога йўл қўяди. Бу қадар ишонч ва башоратчилик қаёқдан пайдо бўлди?

Бу фикр орқасида биз халқни пастга уриш сифатида, унинг чекланганини айтиб, яхшироқ ҳаёт кечиришга лойиқлиги, муносиб лидерларни олга суришдек салоҳиятини тан олмаслик ётади. Муҳаммад Солиҳни фаол ижодкор, мутаоладан тўхтатмаган, эшитишни, кенг ва образли фикрлайоладиган шундай лидерлардан бири деб билмаслик инсофдан бўладими?

(Давоми бор)

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ



миқдор билан бирга ҳар йили ошиб бормоқда.

Кўшимча моддаларнинг кенг қўлланилиши натижасида инсонларнинг ақли ва бадан-руҳ соғлиги манфий таъсир остида қолмоқда.

Бу таъсир моддалари гуруҳида ҳидлар алоҳида рол ўйнайди. Ҳидлар инсоннинг руҳига ва психологиясига жуда катта таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Америкалик психиатр А. Хёрш маълум бир ҳид инсонни муаъян феъл-атвор ва ҳатти-ҳаракатга йўналтира олишини исботлаган: баъзи дўконларда маълум бир ҳид тарқатилганда дўкондаги моллар тез суръатда ва катта миқдорларда сотилиши ва ёки муайян бир ҳид таъсирида одамларнинг ориқлай бошлагани кузатилган.

Бу соҳада қилинган клиник тадқиқотлар натижасида лаванда, мойчечак, лимон ва сандал дарахти ҳидларининг антидепрессантлардан ҳам қаттиқроқ таъсир қилиши; ясмин, гул, ялпиз ва чиннигул ҳидларининг эса инсон миясига қаҳвадан ҳам кучли таъсир қилиши аниқланган.

Бугун руҳий бузуқликларга дучор қиладиган ёки улардан ҳолос қиладиган, жинсий истак ёки истаксизликни орттирадиган, ҳассосликни кучайтирадиган, инсоннинг маънавий мувозанатини бузадиган, кўркув ҳолатларини келтириб чиқарадиган, тажовузкорликни (агрессивликни) оширадиган ёки озайтирадиган турли ҳушҳидлар (ароматлар) ишлаб чиқарила бошлади.

Бу ҳушҳидлар одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш учун қўлланилмоқда.

Инсон миясида ҳидларга оид маълумотлар сақланадиган хотира маркази мавжуд бўлиб, мия бу маълумотларни назорат қила олмайди. Шу сабаб, ҳидлар инсон психологиясининг энг заиф нуқтасидир, психологик урушда қўллаш учун энг қулай восита, қуролдир.

Айдозерлар

Оммавий Ахборот Воситаларида «рақамли наркотиклар» иборасининг пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Бу ибора билан махсус аудио-файллар - айдозерлар назарда тутилади. Айдозер қўлланган киши худди

марихуана(наша), ЛСД ва хакозо афюнларни чеккан одам каби кайф

олиши мумкин. Компютерингизга махсус программани юклаб, кулоқликни тақиб, истаган бир дозангизни танглайсиз ва бу дозани телба-тескари товушлар шаклида 30 ёки 40 дақиқа ичида эшитасиз (қабул қиласиз) ва наша чекишдан олган кайфни хис эта бошлайсиз. Бундай эффектлар мий-яда бинаурал ритмларнинг ёрдамида пайдо булади. Бу ритмлар ўнг ва чап кулоқ учун махсус танланган овоз сингаллари асосида тайёрланади.

Масалан, кулоқлардан биттаси монотон бир сасни 300 Гц частота билан эшитиб, иккинчи кулоқ 308 Гц частота билан эшитса, мия бу овозларни бир-бирининг устига қатлаб, уларнинг фазалари фарқини ўлчайди (308 – 300 = 8 Гц). Олинган 8 Гц частотали овоз мия тарафидан бинаурал ритм ўлароқ қабул қилинади. Бу ритм миянинг ўзи ижод қилган ритмдир. Бундай ритмлар - фақат ва фақат - кулоқликлар воситасида ўша овозларни қабул қилган миянинг иккита ярим шаридан чиққан электромагнит тулқинларидан таркиб топади.

«Соф бинаурал ритмлар» - мусиқий бўлмаган, мияни бошланиш учун махсус частота билан тузилган ритмлардир.

Кулоқликлардан эшитилган икки овоз орасидаги фарқ 25 Гц дан юқори бўлса, бинаурал ритм содир бўлмайди, фақат иккита соф овоз эшитилади. Кенг маънода, ҳар қандай стереомусиқа ёки стереоматни стереокулоқликлардан тинглаш - бинаурал стимуляциядир. Тор маънода, бинаурал стимуляция - инсон миясида муайян частотали «соф бинаурал ритмлар» содир қилиш учун сунъий яратилган монотон овозларнинг стереокулоқликларда тинглашдир.

Бинаурал стимуляция мия ярим шарларининг синхрон ишловини таъминлайди. Синхрон тулқин тебранишлари онгдаги медиатив ва гипноз ҳолатига хос хусусиятлардир.

Бинаурал ритмларни сунъий равишда уст-устга қатлаб, миянинг ритмик фаоллигини исталган тарафга йўналиштириш мумкин. Ва бу билан мияда элктромагнетик тебранишларнинг исталган манзарасини жонлан-тириб, онгни керак бўлган ҳолатга солиш мумкин.

Бугун қатор мамлакатларда инсон онгини исталган ҳолатга солиш учун мўлжалланган “mind machines” мосламалари мавжуд. Уларнинг аксариятида «соф бинаурал ритмлар» қўлланилади. Бу мосламалардан биттаси «Орзулар фабрикаси» деб аталган, исталган мавзуда туш(руё)кўришни таъминлайдиган қурилмадир. 2005 йилдан бошлаб, бинаурал ритмлар стереокулоқликдан эшитилаётганда унга параллел равишда махсус эф-

фектлар монитор экранида кўриниб турадиган ҳосил қилувчи компютер программалари пайдо бўлди.

Бу программалардан баъзиларининг номлари шундай: “Hypnoise”, “Hypno Studio”, “Hemi-Sync” (P. Монроинститути), “Brian Fellow” “LSD-spiral”, «I-Doser» ва хакозо.

Бу программаларнинг ҳаммасида «соф бинаурал ритм», тез ўзгарадиган рангли доғлар, нақшлар, ритмик липиллаб турадиган нурлар ишлатилади. Бу эффектларни кучайтириш учун «оқ шовқин» қўлланилади. Оқ шовқин - тебр ва частотадан ҳолос қилинган бир овоздир. Масалан, ишлаб турган музлатгич ва пылесос товуши, қувурдан чиққан газ овози, магнитофон тасмасининг саси ва шунга ўхшаган овозлар. «Оқ шовқин» бинаурал сасларга фон сифатида ишлатилганда тингловчининг бинаурал ритми қабул қилиш қобилияти фавқулодда кучаяди.

Инсон кулоғи «оқ шовқин»ни одатда эшитмайди. Худди телевизор ёки филмда 25-кадрни кўрмагани каби. Аммо мия ва у йўнлантилган органлар оқ шовқинни «эшилади». «Оқ шовқин» ўзида худди 25-кадр каби манфий, онгни ва органларни хароб қилувчи информация ташиши мумкин.

Шубҳасиз, ранг-нур-товушли стимуляция миянинг биоэлектрик фаоллиги ва инсон онгига катта таъсир қилади. Бу программаларнинг ҳаммаси - психотропик наркотиклардир. Соф бинаурал ритмлар билан исталган натижани тез олинади.

Инсон мияси, айниқса, ўсмирларнинг мияси ва нуқсонли миялар соф бинаурал ритмлардан жуда қаттиқ таъсирланади. Чунки табиатда «соф бинаурал ритм» йўқ, бу ритмлар инсон миясига нотанишдир. Бунинг устига «соф бинаурал ритм»лар миянинг ва ёки органларнинг резонанс частоталарига тушиб, тингловчининг мияси ва органларини хароб қилиш ва онгни исталган тарафга йўналтириши таҳликаси мавжуд. Бугунда бинаурал ритмларнинг докторлар тарафидан даволаш услуги ўлароқ, музикантлар тарафидан кино ва концертларда қўлланилаётгани бу феноменни янада таҳликалироқ қилади.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош